



“Ахборот, ҳисобот, мулоқот”

шаклидаги учрашувлар

Тошкент шаҳар ҳоқими учтепаликлар билан “Ахборот, ҳисобот, мулоқот” шаклидаги учрашув ўтказди.

Райҳона ХҲЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Учтепа туманидаги Тошкент шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонасида бўлиб ўтган тадбирда соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд муаммолар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий муассасаларни замонавий ускуналар билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидланишича, сўнгги беш йил давомида ушбу йўналишдаги қатор муаммолар сезиларли даражада камайган. Шунингдек, тиббиёт муассасалари учун 56 турдаги 81 та замонавий ускуна харид қилингани маълум қилинди.



Тошкент шаҳар ҳоқими Учтепа туманидаги янги лойиҳалар билан таъминлади.

ди. Йиғилишда хорижий тажриба асосида янги типдаги поликлиникалар қурилиши, болалар сил касалликларини шифохонасини таъмирлаш, шунингдек, айрим тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш бўйича режалар тақдим этилди. Шунингдек, Учтепа туманидаги 1-сон спорт

мактабини кенгайтириш лойиҳаси ҳам намойиш этилди. Лойиҳа амалга оширилгач, спорт турлари сони 13 тадан 32 гага етади, спорт билан шуғулланувчи ёшлар қамрови эса 570 нафардан 3800 нафаргача оширилиши кутилмоқда. Мажмуада кибер спорт учун ҳам алоҳида майдон ташкил этилиши режалаштирилган.

Қурилиш объектлари учун янги талаблар жорий этилмоқда

Тошкент шаҳар ҳоқимининг “Ахборот, ҳисобот, мулоқот” шаклидаги учрашуви доирасида-

ги навбатдаги манзил қурилиш объектларидан бири бўлди. Ташриф давомида шаҳар ҳоқимининг қурилиш объектларида экологик нормаларни жорий этиш бўйича қарори ижросини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш ҳамда қурилиш майдонларини ягона тартиб асосида ташкил этишга қаратилган инновацион ва намунавий янги лойиҳа тақдим этилди.

Лойиҳага кўра, қурилиш объектлари ташқи томондан махсус тўсиқлар билан ўралиши, объект паспорти ўрнатилиб, унда барча зарур маълумотлар акс эттирилиши, пиёдалар хавфсизлиги учун ҳимоя соябонлари ташкил этилиши назарда тутилган. Шунингдек, қурилиш майдонлари периметри бўйлаб микроклим яратиш тизимлари, сув пуркагич ва дозаторлар ўрнатилди.

Қурилиш жараёнларини доимий назорат қилиш мақсадида видеокузатув камералари ўрнатилиб, улар Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси тизимига интеграция қилинади. Бундан ташқари, экологик датчиклар, тунги кузатув воситалари, артезиан сув қудуқлари, автомобилларни ювиш майдончалари ҳамда автоматик электр ҳисоблагичларини жорий этиш режалаштирилган. Қурилиш техникаларининг шаҳар кўчаларига тоза ҳолда чиқишини таъминлаш ҳам асосий талаблар қаторидан ўрин олган.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи янги тартиб ва талабларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланишича, пойтахтдаги 1700 га яқин қурилиш объектга мазкур талабларни жорий этиш учун муайян муддат берилди. Тадбир давомида аҳоли ва мутахассисларнинг таклифлари ҳам тингланди. Тошкент шаҳар ҳоқими лойиҳани такомиллаштириш учун барча конструктив таклифларга очик эканини, билдирилган фикрлар асосида зарур ўзгаришлар киритилиши мумкинлигини таъкидлади.

Учрашувдан учрашувга шояётдан журналистлар ҳам йўл-йўлакай Тошкент шаҳар ҳоқимидан интервью олишга улгуриб, пойтахт ҳаёти учун муҳим лойиҳалар юзасидан қўшимча маълумотларга эга бўлишди.



“Меҳнат ярмаркаси” қизғин руҳда ўтди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳамкорлигида “Меҳнат ярмаркаси” ташкил этилди.

Аҳамиятли жиҳати, мазкур тадбир юқоридан берилган топшириқ ёки анъанавий режа асосида эмас, балки талабаларнинг ўзлари томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар натижасида ташкил этилди.

– Анъанага кўра, университетимизда ҳар пайшанба “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ўтказилади, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университети стратегик ривожлантириш бўйича биринчи проректор Жалолiddин Тоҳиров. – Айнан шу кунни инобатга олиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда карьера кунни ўтказилди. Бу меҳнат ярмаркаси бакалавр ва магистратура босқичини битираётган талабалар ҳамда соҳага қизиқувчи ёшларни мутахассислиги бўйича касбга йўналтириш мақсадида ташкил этилди. Ушбу тадбир орқали кўплаб ёшлар ўзлари қизиққан қурилиш, архитектура, муҳандислик каби йўналишларда фаолият олиб борувчи ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлашиб, амалиёт ва иш масаласида келишиб олишди.

Ёшлар учун муҳим платформа

Тадбирнинг июнь ойи – “Ёшлар ойлиги” ҳамда лойиҳа – “Ёшлар кунини” доирасида ўтказилгани эса унинг маънавий ва ижтимоий аҳамиятини янада оширди. Бу, нафақат иш ўринлари тақдим этилган майдон, балки ёшларнинг касбий истиқболи ҳақида жиддий



ўйлашига хизмат қилувчи платформа вазифасини ҳам бажарди. – Тошкент архитектура-қурилиш университетида вазирлигимиз ташаббуси билан ўзига хос ярмарка ташкил қилинди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг

Маънавият ва давлат тили бўйича маслаҳатчиси Умида Бойзоқова. – Эътиборлиси шундаки, ушбу ярмаркани ташкил этиш таклифи талабаларнинг ўзи томонидан берилгани учун катта тайёргарлик ва қизғин руҳда ўтди. Ярмаркада вазирлик тизимидаги ва соҳага алоқадор 100 дан ортиқ ташкилот вакиллари 500 дан ортиқ иш ўрни таклифи билан иштирок этишди. Талабалар нафақат иш ўринлари, балки амалиёт масаласида ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан батафсил маълумот олишди. Ҳатто, талабалар ўзлари қизиққан йўналиш бўйича ташкилотларга ишга киришга ҳам муваффақ бўлишди. Бу эса, “Меҳнат ярмаркаси” бекорга ўтмагандан далолат беради.

Малакали кадрларга талаб юқори

Бугунги кунда Ўзбекистонда қурилиш, шаҳарсозлик ва коммунал инфратузилма соҳаларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги турар жой массивлари, ижтимоий объектлар, йўл-транспорт инфратузилмаси ҳамда коммунал тармоқлар барпо этилмоқда. Табиийки, бундай ийрик лойиҳаларни амалга ошириш учун малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб борапти.



– Ушбу университетнинг Архитектура факультетини тамомлаб, ҳозирда “Optimal Architect Group” МЧЖда фаолият юрляпман, – деди ярмарка иштирокчиси Азизбек Турсунқиличов. – Компания 2020 йилда ташкил этилган бўлиб, архитектура, урбанистика ва муҳандислик ечимлари йўналишида фаолият олиб боради. Биз турли ҳажмдаги лойиҳаларни – концепциядан тортиб, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назоратигача бўлган босқичларда амалга оширамиз. Компаниямизнинг асосий мақсади – замонавий, функционал ва барқарор архитектура ечимларини яратишдир. Жамоада ишлаб, тажрибали мутахассисларнинг кўмагида лойиҳалаш, дизайн ва шаҳарсозлик соҳаларида билимларини мустаҳкамлапман. Жамоамизни кенгайтириш мақсадида ушбу меҳнат ярмаркасида иштирок этиб, талабаларга батафсил маълумот бердик.

1 июндан бошлаб кўп квартирали уйларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби ўзгарди

Матбуот анжуманидан лавҳа.



2026 йил 1 июндан бошлаб кўп квартирали уйларни фойдаланишга қабул қилиш, кадастр паспортларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнлари UZKAD ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Янги тартибга кўра, қурилиш ишлари якунлангач, аризалар pu.gov.uz портали ёки Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилинади ва автоматик равишда UZKAD тизимига юборилади. Тизимда кўп квартирали уй жойлашган ер участкаси аввал давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши шарт. Бу талаб қурилиш ва мулкни расмийлаштириш жараёнларининг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларидан четта чиқилган, қўшимча қаватлар

ёки квартиралар қурилган, умумий мулклар курсатилмаган ҳамда ер участкаси чегарасидан ташқарида қурилмалар мавжуд бўлган ҳолларда ариза рад этилади. Ариза қабул қилингандан сўнг UZKAD тизимида ер майдони, турар ва нотурар блоklar, квартиралар ҳамда умумий фойдаланиш жойлари бўйича рақамли инвентаризация амалга оширилади. Биноларнинг чизмалари электрон ҳаритада акс эттирилади ва барча маълумотлар ягона реестрга киритилади.

Инвентаризация якунларига кўра, кўп квартирали уй учун ягона кадастр паспорти шакллантирилади. Унда уй таркибидagi барча блоklar, квартиралар, нотурар жойлар ва умумий мулклар ҳақидаги маълумотлар жамланади. Сўнг ҳужжатлар электрон тарзда Қурилиш назорати инспекциясига юборилади.

Фойдаланишга қабул қилиш рухсатномаси берилгач, ҳар бир квартира, нотурар жой ва умумий мулк объекти учун кадастр паспортлари шакллантирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилади.



Жараён

“Ахборот, ҳисобот, мулоқот” шаклидаги учрашувлар



Бўзсув канали қирғоғида йирик экологик лойиҳа барпо этилади

Учрашувнинг навбатдаги манзилида Бўзсув канали қирғоғида амалга оширилиши режалаштирилган йирик экологик лойиҳа жамоатчилига тақдим этилди.

Лойиҳа ҳақида мутасаддилар маълумот берар экан, унинг асосий тамойили мавжуд табиий муҳитни сақлаб қолиш экани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ҳудуддаги дарахт ва буталар сақлаб қолинади, қўшимча кўчатлар экилади, ёввойи табиат ва табиий рельефга зарар етказилмайди. Лойиҳа доирасида пиедалар ва велосипед йўлаклар, болалар майдончалари, спорт зоналари, ҳордиқ чиқариш масканлари ҳамда жамоат ҳудудлари ташкил этилади. Шунингдек, хавфсизлик панжалари, ёритиш тизимлари ва пиедалар кўприги қурилади, улар 5 та маҳаллани ўзаро боғлайди. Балиқ овлаш учун махсус жойлар ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган.

Лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан бири – ёввойи кушлар ва бошқа жониворлар учун махсус экологик оролчалар яратилишидир. Бундан ташқари, сув спорти турларини ривожлантириш мақсадида байдарка ва canoe спорти учун алоҳида зоналар ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Таъкидланишича, даракларнинг кесилишига йўл қўйилмайди ва бу масала ҳокимлик ҳамда экология органларининг алоҳида назоратида бўлади.

Шаҳар ҳокими лойиҳа бўйича ишлар шу ойдан бошланишини маълум қилди. Жамоатчилик вакиллари ва маҳалла фаолларининг тақлифлари тингланиб, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Му-

тахассислар фикрича, ушбу экологик маскан нафақат Учтепа тумани, балки бутун пойтахт учун табиий муҳитни асраш ва аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янги намунавий ҳудудга айланиши кутилмоқда.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва янги қувватлар

Учрашувнинг навбатдаги манзили “Ширин” МФЙ ҳудудида жойлашган Тошкент иссиқлик марказининг 5-сонли иссиқлик маркази бўлди. Бу ерда 2026–2028 йилларга мўлжалланган энергетика ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари, коогенерация технологияларини жорий этиш, иссиқлик ва электр таъминоти тизимларини модернизация қилиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлар тақдим этилди.

Мутасаддилар томонидан марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, иссиқлик етиб бормаётган ҳудудлардаги эскирган қувурларни босқичма-босқич алмаштириш, йўқотишларни камайтириш ва аҳолини узулксиз иссиқлик билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шавкат Умурзаков тақдим этилган лойиҳалар ва кўтарилган масалалар фақат Учтепа туманига эмас, балки бутун пойтахтга тааллуқли эканини таъкидлади. Шунингдек, муаммолар кўпроқ қузатилаётган ҳудудлар устувор йўналиш сифатида кўриб чиқилиши, аҳоли ва жамоатчиликнинг тақлифлари эса албатта, инobatта олинishi қайд этилди.



Йирик лойиҳалар тақдими.

Мазкур манзилда ҳам журналистлар энергетика, иссиқлик таъминоти ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олдилар.

Фаоллар билан очиқ мулоқот

Тадбир якунида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Учтепа тумани маҳалла фаоллари билан очиқ мулоқот учрашуви бўлиб ўтди.

Дастлаб йиғилганларга Тошкент шаҳри ва Учтепа туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тақдим этилди. Саноат корхоналари фаолиятини кенгайтириш, реновация дастурлари, ижтимоий соҳа объектилари, туризм ва хизмат кўрсатиш тармоқларидаги ўсиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, бюджет тушумлари ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, ҳар бир рақам ортда минглаб инсонларнинг меҳнати, янги лойиҳалар ва пойтахтни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассам. Учрашувнинг асосий қисми эса савол-жавобларга бағишланди. Маҳалла фаоллари ўзларини қийнаётган масалалар, тақлиф ва ташаббусларини билдириб, уларга мутасаддилар томонидан батафсил жавоблар берилди. Билдирилган мурожаатлар ижрога йўналтирилиб, назоратга олинди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқот пойтахт тараққиёти ҳамда аҳоли манфаатларига хизмат қиладиган амалий ечимларни муҳокама қилиш майдонига айланди.



Ярмарка жараёнидан.

“Меҳнат ярмаркаси” қизгин руҳда ўтди



Назария ва амалиёт ўртасидаги масофа қисқармоқда

Олий таълим тизимининг асосий вазибаларидан бири – меҳнат бозорига рақобатбардор мутахассисларни тайёрлашдир. Бироқ кўп ҳолларда иш берувчилар амалий тажрибага эга кадрларни афзал қўришади. Натияжада янги битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида маълум тафовут юзага келади. Меҳнат ярмаркалари айнан мана шу муаммони бартараф этишга хизмат қилади. Талабалар иш берувчилар билан юзма-юз мулоқот қилиш, корхоналарнинг талаб ва кутаётган натижалари билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Меҳнат бозорига муваффақият қозониш фақат диплом билан эмас, балки профессионал алоқалар ва амалий кўникмалар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ярмарка ёшлар учун янги танишувлар ва профессионал ҳамкорликлар ўрнатish имконини яратди. Айниқса, “Тошўйжой ЛИТИ” АЖ, “Ўзоғирсаноатлоиниҳа” АЖ, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ, “Тошкент бошланг ЛИТИ” ДМ, “Коммунал ЛИТИ” ДМ каби йирик лойиҳа ташкилотларининг иштироки билан катта қизиқиш уйғотди. Бундай ташкилотларда ишлаш кўплаб талабалар учун касбий фаолиятнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

– Бу йилги “Меҳнат ярмаркаси” янада қизгин ўтди, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университети битирувчиси Нодирбек Музаффаров. – Айниқса, таниқли қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари вакилларининг ишга тақлифлари биз битирувчи курс талабалари учун катта имконият бўлди. Шахсан ўзим қиймат инженернинг ва кўчмас мулк экспертизаси йўналиши бўйича соҳа мутахассисларининг маслаҳатлари асосида бир неча бўш иш ўринлари билан танишдим. Энди ўзимга маълум келган ташкилотлардан бирини таллаб, амалиётда иш ўрганиб, касбий фаолиятимни бошламоқчиман.

Кадрлар захирасини шакллантиришнинг самарали модели

Мутахассислар фикрича, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик қанчалик кучли бўлса, битирувчиларнинг бандлик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу маънода, Тошкент архитектура-қурилиш университетида ташкил этилган “Меҳнат ярмаркаси” самарали ҳамкорликнинг амалий намунаси сифатида эътиборга лойиқ. Бир суз билан айтганда, бу тадбир ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни меҳнат бозорига тайёрлаш ва қурилиш соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўз мухбиримиз.

1 июндан бошлаб кўп квартиралар уйлари фойдаланишга қабул қилиш тартиби ўзгарди

Кўп квартиралар уйлари фойдаланишга қабул қилиш жараёни муҳокама.



Эски ва янги тартиб ўртасидаги асосий фарқлар

- Эски тартибда:**
- квартиралар, нотураар жойлар ва умумий мулк объектилари алоҳида ҳисобга олинган эди;
 - ҳар бир объект учун алоҳида кадастр паспорти расмийлаштирилган эди;
 - умумий мулк жойлари ахборот тизимларида тўлиқ юритилмас эди;
 - маълумотларни йиғиш ва расмийлаштиришда айрим ноаниқликлар юзга келиши мумкин эди.

- Янги тартибда:**
- кўп квартиралар уй ва унинг таркибидagi барча объектлар ягона тизимда тўлиқ ҳисобга олинади;
 - квартиралар, нотураар жойлар ва умумий мулклар бир вақтининг ўзида расмийлаштирилади;
 - ягона кадастр паспорти шакллантирилади;
 - барча маълумотлар UZKAD ахборот тизими орқали юритилади;
 - фуқаролар учун ортиқча қозғовозлик ва ташкилий оворатгарчиликлар камаяди.

Ўз мухбиримиз.



Термида давлат университети қошида иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муҳофазасига ихтисослашган илмий марказ.

“Афғон шамоли”га қарши илмий ечим

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнлари ва ҳаводаги чанг зарраларининг ортиши нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё учун дозлар экологик муаммолардан бирига айланмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди – Сурхондарё вилоятида қузатиладиган “Афғон шамоли” аҳоли саломатлиги, қишлоқ хўжалиги, экотизим ва кундалик ҳаётга муайян таъсир кўрсатмоқда.

Ғайрат БҮРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан экологик барқарорликни таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш ҳамда иқлим ўзгаришларига мослашиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай муҳим ташаббусларнинг мангикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирил

Маҳкамасининг тегишли қарори билан Сурхондарё вилоятида 2026–2030 йилларга мўлжалланган махсус экологик дастур тасдиқланди. Ушбу дастур шомол эрозиясини камайтириш, чанг ва қум бўронлари таъсирини юмшатиш, ерлар деградациясининг олдини олиш ҳамда аҳоли учун соғлом экологик муҳит яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Илм-фан ва экология уйғунлиги

Дастурнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – Термиз давлат университети қошида иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит муҳофазасига ихтисослашган замонавий илмий марказ ташкил этилишидир. Мазкур марказ нафақат Сурхондарё, балки бутун мамлакат учун экологик тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар майдони айланиши кутилмоқда. Бу ерда иқлим ўзгаришлари, чанг бўронлари, шомол эрозияси ҳамда табиий ресурслар муҳофазаси бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилади. Шунингдек, марказда халқаро даражадаги эколог мутахассислар, иқлим тадқиқотчилари ва муҳандис кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар учун янги илмий имкониятлар эшиги очилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, “Афғон шамоли” таъсирини чуқур ўрганиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича маҳал-

лий шароитга мос илмий ечимларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади.

“Яшил белбоғ” – табиат ва инсон манфаати йўлида

Дастур доирасида Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Қизилқум, Термиз туманлари ҳамда Термиз шаҳри атрофида кенг қўламли “яшил белбоғ” ихота дарактзорлари барпо этилади. Бу лойиҳаларнинг асосий мақсади шомол тезлигини пасайтириш, ҳаводаги чанг миқдорини камайтириш, тупроқни муҳофазат қилиш ва экологик мувозанатни сақлашдан иборат.

Мутахассислар фикрича, ихота дарактзорлари табиий филтер вазибаларини бажариб, ҳаво сифатини яхшилашга, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофазат қилишга ва аҳоли яшаш муҳитини соғломлаштиришга хизмат қилади. Айниқса, иқлим кескин ва қуруқ ҳудудлар учун “яшил белбоғ” тизими дунё тажрибасида ўз самарасини берган экологик ечимлардан бири сифатида эътиборга олинади.

Сунъий ёмғир ва музликлар

Дастурда Тўпаланг дарёси ҳавзасида сунъий ёмғир ёғдириш ҳамда сунъий музликлар яратиш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш ҳам назарда тутилган. Бу ташаббус сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қуруқчилик хавфини юмшатиш ва табиий мувозанатни сақлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш келгуси йилларда энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади. Шу боис инновацион ва илмий ёндашувларга асосланган тажриба лойиҳалари келажак учун муҳим пойдевор вазибаларини ўтайди.

Халқаро ҳамкорлик – умумий муаммога умумий ечим

“Афғон шамоли” ва чанг бўронлари фақат бир ҳудуд доирасидаги эмас, балки трансчегаравий экологик муаммо ҳисобланади. Шу сабабли дастурда қўшни ҳудудлар билан ҳамкорликни кучайтириш, халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида қўшма тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Экологик муаммоларни ҳал этишда илмий дипломатия, тажриба алмашиш ва минтақавий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Бу эса нафақат табиат муҳофазаси, балки аҳоли саломатлиги ва барқарор тараққиёт учун ҳам муҳим омилдир. Сурхондарё вилоятида амалга оширилган мазкур дастур экологик муаммоларга қарши курашишда янги ёндашувлар ва илмий асосланган ечимларнинг амалий ифодаси бўлади.

Энг муҳими, бу ташаббус инсон саломатлиги, соғлом ҳаёт муҳити ва келажак авлодлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Илм-фан, инновация ва табиат муҳофазаси уйғунлашган ушбу дастур воҳамизни янада яшил, мусаффо ва экологик барқарор ҳудудга айлантириш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Шердор мадрасаси пештоқи реставрация қилинади

Шердор мадрасаси.



Самарқанд шаҳридаги дунёга машҳур Регистон мажмуасида Шердор мадрасаси фасадини АҚШ элчисининг маданий ёдгорликларни сақлаш жамғармаси (АФСР) томонидан ажратилган грант асосида реставрация ва консервация қилиш лойиҳасининг навбатдаги босқичини бошлашга бағишланган маросим ўтказилди.

Маросимда шу кунларда ташриф билан юртимизда бўлиб турган АҚШ Давлат котибининг жамоат дипломатияси бўйича ўринбосари Сара Рожерс, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси креатив иқтисодиёт ва туризм департаменти бошлиғи Гаянэ Умерова ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник иштирок этди ва мазкур лойиҳанинг аҳамияти, ундан кутилаётган натижалар ҳақида сўз юритди.



Кайд этилганидек, ўтган йил бошланган ва 2028 йилгача давом этадиган лойиҳа АҚШ элчисининг маданий ёдгорликларни сақлаш жамғармаси (АФСР) томонидан ажратилган 500 минг долларлик грант билан қўллаб-қувватланмоқда. Бу мазкур жамғарма тарихида Ўзбекистонга берилган энг йирик грант ҳисобланади.

2001 йилда АҚШ Конгресси томонидан ташкил этилган ва Давлат департаменти томонидан бошқариладиган АҚШ элчисининг маданий ёдгорликларни сақлаш жамғармаси (АФСР) бутун дунё бўйлаб маданий мерос объекти, археологик ёдгорликлар, музей коллекциялари ва бошқа маданий бойликларни асраб-авайлашни қўллаб-қувватлайди. Жамғарма шу пайтгача турли мамлакатларда 1200 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштирган ва АҚШ маданий дипломатиясининг энг кўзга кўринган воситаларидан бирига айланган.

Ўзбекистонда АФСР томонидан 14 та лойиҳа қўллаб-қувватланган ва уларга 1,5 миллион доллар маблағ йўналтирилган, - деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси креатив иқтисодиёт ва туризм департаменти бошлиғи, Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (АЦДФ) раиси Гаянэ Умерова. - Аввалги лойиҳалар қаторига Хивадаги Тош-Ҳовли саройини сақлаб қолиш, Қашқадарё вилоятидаги XV асрга оид Лангар-Ота мажмуасини тиклаш лойиҳаларни санаш мумкин. Шердор мадрасаси фасадини реставрация ва консервация қилиш мазкур лойиҳаларнинг энг йириги ҳисобланади. АҚШ кўмағида амалга оширилаётган бу лойиҳалар давлатимиз томонидан маданий мерос объектиларини асраб-авайлаш борасидаги ишларга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда ҳамда Ўзбекистоннинг маданий туризмнинг глобал маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Лойиҳани молиялаштириш ва амалга оширишнинг умумий назорати АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси, идоралараро мувофиқлаштириш Ўзбекистон маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (АЦДФ), тиклаш ишларига раҳбарлик қилиш ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилиш Ўзбекистон Маданий мерос агентлиги, техник экспертиза ва лойиҳанинг халқаро илмий ҳамжамият билан ўзаро алоқасини таъминлаш Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (ICAS) томонидан олиб борилмоқда. Реставрация лойиҳаси 2023 йилда Ўзбекистон ва Америка Қўшма

Штатлари ўртасида имзоланган маданий мулклар тўғрисидаги битимни амалга оширишга ҳисса қўшади. Шартнома томонларнинг Ўзбекистон маданий меросини сақлашга бўлган узоқ муддатли мажбуриятини акс эттиради ва кўп йиллик Ҳаракатлар режаси доирасида кўшма ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асос яратди.

Маросим давомида Жонатан Хеник ва Гаянэ Умерова Ҳаракатлар режасини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга бўлган умумий мажбуриятларини тасдиқловчи хатларни алмашди.

Тўрт асрлик тарихга эга Шердор мадрасаси Марказий Осиё халқларининг ноёб меъморчилик салоҳияти, истеъдоди ва ижодий меросининг ёрқин намунаси бўлиб келмоқда, - деди АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Жонатан Хеник. - Бизнинг вазиғамиз бу меросни аниқлаш эмас, балки уни сақлашга кўмаклашидир. Реставрация, консервация ишларида қатнашаётган уста ва хунармандлар шунчаки плиткалар, мозаикаларни қайта тиклаш билан чекланмапти, улар ўзбек халқининг бир неча асрлик ёдгорликларини келажак авлодлар учун сақлаб қолипти, бунинг янги усул ва технологияларини ўзлаштирмоқда. Америка Қўшма Штатлари айнан шу жараёнда ўзаро ҳамкорликнинг

профессионал салоҳиятини ошириш, маҳаллий билимларни ҳурмат қилиш ва узоқ муддатли натижаларга эришишда ўз ўрни бўлишини истаётди. Лойиҳа давомида маҳаллий усталар маданий меросни тиклаш ва сақлаш бўйича мутахассислар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, хунармандчиликнинг узоқ йиллик анъаналарини замонавий халқаро консервация ва тиклаш стандартлари билан уйғунлаштирмоқда. - Лойиҳанинг асосий йўналишларидан бири вақт ўтиши билан жиддий шикастланган ва ўтган аср 70 йилларда амалга оширилган кенг қўламли тиклаш ишлари давомида киритилган ноаниқликларни ўз ичига олган мадраса асосий кириш эшиги устидаги Қуфий ёзувини қайта тиклаш ва алмаштириш эди, - деди Маданий мерос агентлиги тасарруфидаги Самарқанд минтақавий реставрация маркази раҳбари Баҳрулла Абдуллаев ўза муҳбири Фоллиб Хасановга. - Биз тарихий манбаларни ўрганиб, олимлар ва бошқа масъуллар тавсиялари асосида марказимиз ходимлари, тажрибали уста-реставраторлар билан бирга уч ойда кириш пештоқида Қуфий хатида Қуръон оятлари битилган қосиқларни ўрнатилган муваффақ бўлди. Энди мадрасанинг асосий элементи бўлган охуни қувиб кетаётган шер тасвирини консервация қилиш ишларига киришамиз. Чунки айни пайтда бу композиция анча шикастланган, турли воситалар орқали ўз жойида тутиб турилибди. Бундан ташқари мадрасанинг асосий порталдаги йиллар давомида зарар етган мозаика ва маёлика қопламалари, декоратив мармар элементлари, гумбаз ва миноранинг шикастланган қисмларини консервация қилиш ҳамда тиклаш ишларини амалга оширамыз. Бугун бу борадаги режа ва лойиҳаларимиз ҳақида тақдимот қилдик, олимлар ва мутахассислар билан яна бир бор фикр алмашдик.

Тадбир давомида АҚШ элчихонаси вакиллари жорий йилда АФСР томонидан Регистон билан боғлиқ яна бир йирик лойиҳа амалга оширилишини билдирди. Яъни маданий мерос ва инновацион рақамли технологияларни бирлаштирган 'Абадий Регистон' лойиҳаси яратилди. Мазкур лойиҳада АҚШ ишлаб чиқилган сунъий интеллект ва виртуал реаллик воситаларидан фойдаланиб, Регистоннинг 3D рақамли моделлари яратилди ҳамда улар орқали мажмуа бўйлаб виртуал саёҳатларни амалга ошириш ва таълим йўналишларида фойдаланиш мумкин бўлади.



Халқаро форум жараёни.

SHESCIENCE-2026 ayollar ilm-fan yetakchiligi va mintaqaviy hamkorlikning yangi bosqichi



Zamonaviy dunyoda ilm-fan va innovatsiyalar davlatlarning barqaror rivojlanishini ta'minlovchi eng muhim strategik omillardan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Ayniqsa, ilmiy faoliyatda ayollar ishtirokining kengayishi, ularning boshqaruv va liderlik salohiyatining ortib borishi nafaqat gender tengligini ta'minlash, balki ilmiy taraqqiyotning yangi drayverlarini shakllantirishga xizmat qilmoqda. Shu nuqtai nazardan, yaqinda Buxoro shahrida bo'lib o'tgan "Ilm-fanda ayollar yetakchiligi: zamonaviy chaqiriqlar, innovatsion yechimlar va ilmiy hamkorlik" mavzusidagi SheScience-2026 xalqaro forumi mintaqaviy ilmiy integratsiyaning muhim platformalaridan biri bo'ldi.

Chidem TURKIYLAZ,
Samarqand davlat texnika universiteti rektori.
Dilnoza KAMALOVA,
Arxitektura fakulteti dekani.

Forum Markaziy Osiyo va Ozarbayjon davlatlarining yetakchi olim ayollari, oliy ta'lim muassasalari rahbarlari, ilmiy markazlar va davlat tashkilotlari vakillarini birlashtirdi. Mazkur muloqot maydoni ilm-

fan, innovatsiya va ta'lim sohalarida yangi hamkorlik yo'nalishlarini belgilash, mavjud muammolarni birgalikda muhokama qilish hamda istiqbolli tashabbuslarni ilgari surish imkonini berdi.

Bugungi globalashuv davrida iqlim o'zgarishi, ekologik xavfsizlik, energiya samaradorligi, raqamli transformatsiya va barqaror urbanizatsiya kabi masalalar xalqaro hamkorlikni yanada kuchaytirishni talab qilmoqda. Forum doirasidagi muhokamalarni aynan ushbu yo'nalishlariga qaratildi. Ishirokchilar ilm-fanning zamonaviy muammolarni hal etishdagi o'рни, innovatsion

texnologiyalarni amaliyotga joriy etish mexanizmlari hamda ilmiy diplomatiyani rivojlantirish istiqbollari yuzasidan fikr almashdilar.

Alohida ta'kidlash joizki, forum ayollarning ilmiy faoliyatdagi rolini kuchaytirish masalasiga katta e'tibor qaratdi. Bugungi kunda ayol olimlari ilmiy tadqiqotlar, ta'lim islohotlari va innovatsion loyihalarning faol tashabbuskorlariga aylanmoqda. Ularning ilm-fan va jamiyat rivojiga qo'shayotgan hissi tobor ortib borayotgani xalqaro ekspertlar tomonidan e'tirof etildi.

Forumning muhim natijalaridan biri - Yakuniy kommunikativ loyihaning qabul qilinishi bo'ldi. Mazkur hujjatda ilm-fan, ta'lim va innovatsiyalar mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlovchi ustuvor yo'nalishlar sifatida qayd etildi. Shuningdek, ayol olimlarni qo'llab-quvvatlash, qo'shma ilmiy loyihalarni rivojlantirish va xalqaro akademik hamkorlikni mustahkamlash bo'yicha aniq taklif va tashabbuslar ilgari surildi.

Forum doirasida SheScience platformasini rivojlantirish masalasi ham muhim ahamiyat kasb etdi. Ushbu platforma mintaqa olim ayollari o'rtasida ilmiy hamkorlikni kengaytirish, tajriba almashish, xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish va akademik mobillikni rivojlantirish uchun samarali mexanizm sifatida baholandi. Kelgusida platforma ilmiy diplomatiyaning yangi vositasi sifatida xizmat qilishi kutilmoqda.

Mirzo Ulug'bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetining ushbu forumdagi ishtiroki ham alohida e'tiborga loyiqdir. Universitet bugungi kunda arxitektura, qurilish, shaharsozlik, muhandislik texnologiyalari va raqamli loyihalash yo'nalishlarida mamlakatimizning yetakchi ilmiy-ta'lim markazlaridan biri sifatida faoliyat yuritmoqda. Oliy ta'lim muassasasida zamonaviy ilmiy tadqiqotlar, innovatsion ta'lim dasturlari va xalqaro hamkorlik loyihalarini izchil rivojlantirilmoqda.

Xususan, Arxitektura fakulteti tomonidan barqaror hududiy rivojlanish, tarixiy-me'moriy merosni saqlash, energiya tejamkor texnologiyalarni joriy etish va raqamli loyihalash tizimlarini takomillashtirish bo'yicha olib borilayotgan ilmiy izlanishlar xalqaro hamkorlik uchun keng imkoniyatlar yaratmoqda. Forum davomida ushbu yo'nalishlarda yangi qo'shma loyihalarni amalga oshirish, ilmiy almashinuv dasturlarini kengaytirish istiqbollari muhokama qilindi.

Shubhasiz, ilm-fanda ayollar liderligini qo'llab-quvvatlash zamonaviy taraqqiyotning muhim shartlaridan biridir. Ayol olimlarning ilmiy salohiyati, boshqaruv tajribasi va innovatsion yondashuvlari ilm-fan rivojiga yangi sur'at bag'ishlamogda. Ularning xalqaro maydondagi faol ishtiroki nafaqat ta'lim muassasalari, balki butun mamlakat ilmiy salohiyatining yuksalishiga xizmat qilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, SheScience-2026 xalqaro forumi ilm-fan, innovatsiyalar va xalqaro hamkorlikning yangi uflarini ochib berdi. Forum natijalari mintaqa davlatlari o'rtasidagi ilmiy integratsiyani mustahkamlash, ayollar liderligini qo'llab-quvvatlash va barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday tashabbuslar kelajak avlodlar uchun yanada kuchli ilmiy makon yaratishga xizmat qilishi shubhasiz.

Yangi binoni foydalaniшga topshirish marosimi.

Замонавий бино фойдаланишга топширилди

Мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини модернизация қилиш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва хизмат самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. Ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида Нукус шаҳри марказида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.

Омирбай ЕСБЕРТЕНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бинонинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазир генерал-лейтенант Азиз Ташпулатов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Орынбоев, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, фахрийлар ҳамда шахсий таркиб иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ички ишлар органлари тизимини ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимлар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга алоҳида тўх-



талиб ўтишди. Таъкидланганидек, мазкур бино ана шу ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, мустақиллигимизнинг қутлуғ санаси арафасида халқимиз ва соҳа ходимларига муносиб совға бўлди.

Шундан сўн, фахрийлар иштирокида рамзий лента кесилиб, меҳмонлар ва тадбир қатнашчилари янги бинодо яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Олти қаватдан иборат бўлган замонавий иншоотда хизмат фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча имкониятлар яратилган. Бинонинг биринчи қаватида жойлашган навбатчилик қисмида ахборот алмашинуви ва куч ҳамда воситаларни бошқаришнинг рақамлаштирилган тизими жорий

этилган. Хизмат хоналари замонавий техника ва зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, ходимларнинг самарали меҳнат қилиши учун қулай муҳит яратилган.

Тадбир доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфига янги хизмат автомобиллари ҳамда замонавий зирхланган техникалар ҳам топширилди. Бундай бунёдкорлик ишлари, замонавий инфраструктура ва яратилаётган кенг имкониятлар ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва аҳоли тинчлиги ҳамда оқсоғиллигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган ходимларнинг фидокорона меҳнатига янги куч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Гўзаллик, нафосат ва миллий қадриятлар тимсоли

Наманган яна рангларга бурканди. Баҳорнинг нафис нафаси, ёзнинг илиқ шамоли ва минглаб гулларнинг ифори бирлашиб, бугун яна юракларга қувонч улашмоқда. “Гуллар фестивали” – бу оддий тадбир эмас, бу халқнинг диди, қалбидаги эзгулик ва юртга бўлган муҳаббатининг ёрқин ифодасидир.

Отбек ҚОБИЛОВ,

Чуст туманидаги “Серб” МФЙ Ёшлар етакчиси.

Давлатобод туманида жойлашган Ҳаво лангери дарвозаси олдида саф бўлган 300 дан ортиқ турли миллий ва ретро автомобиллардан иборат, ранг-баранг гуллар билан безалган авто карвон Халқаро гуллар фестивалининг юбилейи – 65 йиллигини тантанали равишда очиб берди.



Ҳар йили ушбу фестивал нафақат вилоят аҳлини, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва хориждан келган меҳмонларни ҳам ўзига чорлайди. Кўчаларда барпо этилган бетакрор гул композициялари, ўзгача безатилган майдонлар ва ранг-баранг манзаралар Наманганни гўё эртақлар шаҳрига айлантиради. Ҳар бир гул янгиликда меҳнат, ҳар бир безак орғида эса, инсон қалбининг нозик диди муҳасам.

Фестивалнинг энг муҳим жиҳати – у инсонларни гўзалликни қадрлашга ундайди. Чунки гул – тинчлик рамзи. Гул – меҳр тимсоли. Гул бор жойда қалб уйғонади, кўнгил юмшайди, инсон табиятта бошқача нигоҳ билан қарайди. Шу маънода, Намангандаги “Гуллар фестивали” нафақат эстетик завқ бағишлайди, балки маънавий тарбия мактабига ҳам айланмоқда.

Тадбир йилдан-йилга кенгайиб, халқро микёсдаги нуфузли фестивалга айланиб бормоқда. Унда турли давлатлардан келган меҳ-

монлар ҳам иштирок этиб, ўзбек халқининг нозик диди ва бунёдкорлик салоҳиятига юксак баҳо бермоқда. Бу эса, мамлакатимизнинг дунёдаги ижобий қиёфасини намоён этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилапти.

Фестивалда иштирок этган бир гуруҳ хорижий сайёҳларнинг фикрларини тингладик.

– Бу мамлакатда инсон ўзини бегона ҳис қилмайди, – деди Россия Федерациясидан келган Шилина Владимировна. – Қаерга борманг, одамлар очиқ чеҳра билан кутиб олади, ёрдам беришга тайёр туради. Айниқса, Самарқанд, Бухора ва Хивадаги тарихий обидаларни кўриб, гўё ўтмишга саёхат қилгандек бўлдим. Бу шаҳарларда Шарқнинг буюк тарихи, илм-фани ва маданияти муҳасам эканини ҳис этдим. Мени энг ҳайратлантирган жиҳатлардан бири – ўзбек халқининг миллий қадриятларига содиқлигидир. Замонавий ҳаёт билан бирга қадимий урф-одатлар ҳам асраб-авайланмоқда. Миллий

таомлар, куй-қўшиқлар ва ҳунармандчилик намуналари бу халқнинг бой маънавиятидан дарак беради. Айниқса, Намангандаги “Гуллар фестивали” да қатнашганим менга унутилмас таассурот бағишлади. Ранг-баранг гуллар, байрамона муҳит ва инсонларнинг қувончи Ўзбекистоннинг нақадар тинч ва гўзал мамлакат эканини яна бир бор намоён этди.

Қирғиз Республикасидан келган сайёҳ Ўросбек Тўхтасинов бундай ранг-баранг ва бетакрор гуллар байрамини илк бор кўраётганини таъкидлаб, шундай деди:

– Наманган гўё гуллар билан безатилган эртақлар шаҳрига ўхшайди. Бу ерда инсон ўзини табият ва гўзаллик бағрида ҳис қилади. Айниқса, одамларнинг самимийлиги мени ҳайратда қолдирди. Бу фестивал орқали ўзбек халқининг табиятни севиши ва гўзалликка бўлган юксак дидини кўриш мумкин. Намангандаги муҳит жуда илиқ ва кўтаринки.



Наманган Гиннеснинг “Рекордлар китоби” дан жой олди!

Ўтган йили фестивалга тайёргарлик жараёнида вилоят бўйича жами 100 миллион туп гул кўчати экилган эди. Бу йил эса ушбу миқдор 150 миллион тупга етказилди. Натижада Наманган “Жамоа бўлиб бир ой давомида энг кўп экилган гуллар” йўналишида Гиннес рекордини ўрнатди. Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида бу ҳақдаги махсус сертификатни Гиннес вакили Шейда Субаси хоним Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдураззоқовга тантанали равишда топширди. Энди дунёдаги санокли шаҳарлар қаторида Наманган ҳам Гиннеснинг “Рекордлар китоби” га киритилиб, тарихда қолдиган бўлди.



Фахрийлар

Тажриба мактабини яратган инсон



“Бўлар бола бошидан”, деган халқ нақли айрим инсонларнинг тақдирига гўё олдидан битилган таърифдек туюлади. Асака туманидаги Уч тош маҳалласида вояга етган Равшанбек Ваҳобжоновнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, бу фикрнинг нақадар ҳақиқат эканига яна бир бор ишонасиз.

Зиё СИРОЖ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Чунки, унинг болалигидаёқ қурилиш ва лойиҳалаштиришга бўлган қизиқиши атрофдагиларни ҳайратда қолдирган эди. Яқинлари бир воқеани ҳануз илиқ хотира билан эслашади. Равшанбек уч-тўрт ёшларда бўлган пайт. Уларнинг уйи яқинида ток парваришлариди. Бир кун бобоси токни суғормоқчи бўлганда, кичик Равшанбек югуриб келиб, уни тўхтатиб:

– Суғорманг, уйимиз йиқилиб тушади, – деди у жиддий оҳангда.

Бобоси ҳайрон бўлиб:

– Нега йиқилади? – деб сўради.

– Сув қуйсангиз, девор лойга айланади, кейин қулаб тушади. Сабаби, кўчат шундоққина деворнинг остига экилган.

Набирасининг бу гапидан бобоси ҳам хайратта тушди.

– Сендан яши лойиҳачи чиқади шекилли, – деди у набирасига меҳр билан боқаркан.

Орадан йиллар ўтди. Аммо ўша болаликдаги кузатувчанлик, муҳандисона фикрлаш ва мустахкамликка бўлган эътибор Равшанбек Ваҳобжоновнинг бутун ҳаётига ҳамроҳ бўлди. Унинг қалбидаги қурилиш соҳасига бўлган қизиқиши йиллар давомида аниқ максатга айланди.

1979 йили у Андижон қурилиш техникумига ўқишга кирди. Кейинчалик Тошкент политехника институтида таҳсил олди. Ҳар икки таълим муассасасини ҳам имтиёзли диплом билан таомлади. Бу эса, унинг нафақат иқтидорли, балки изланувчан ва меҳнаткаш йигит бўлганини кўрсатади.

Меҳнат фаолиятини 1984 йили ўша даврда “Облколхозстрой” ташкилотига бошлади. Шундан буён унинг бутун ҳаёти қурилиш ва лойиҳалаштириш соҳаси билан боғлиқ кетди. Бугун

у “Qishloqqurilishloyiha” ДМнинг Андижон вилояти филиалида бош муҳандис вазифасида фаолият юритмоқда.

– Бугунги ёшларда интилиш ҳам, изланиш ҳам бор, – деди қаҳрамонимиз. – Фақат уларни тўғри йўналтириш керак. Қурилиш соҳасида ҳаёт қилишга ҳаққимиз йўқ. Кичик эътиборсизлик катта фожиага олиб келиши мумкин. Шунинг учун ёшларга билим бериш, тажрибамизни ўргатиш энг муҳим вазифалардан бири.

Бугун Андижон вилоятидаги қатор йирик иншоотларда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, вилоят марказидаги “Анда жон” савдо маркази, “Ишга марҳамат” моно маркази, вилоят марказий шифохонаси, юзлаб мактаб ва маъмурий биноларни лойиҳалаштириш ишларида Равшанбек Ваҳобжоновнинг меҳнати муҳасам.

– Устозимиз бинолар сони билан эмас, сифати билан фахрланишни ўргатади, – деди шогирди Дилшодбек Асқаров. – Шунинг учун майда деталларга эътибор қаратади. Хомашени тўғри танлаш, сифатни биринчи ўринга қўйиш борасида кўп нарсани устоздан ўрганганмиз.

Бугун Янги Ўзбекистонда қурилиш соҳаси тобора кенгайиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Ана шундай жараёнда ўз касбига садоқат билан хизмат қилаётган, меҳнатни масъулият деб биладиган инсонлар жамият таъинига айланмоқда. Равшанбек Ваҳобжонов ана шундай фидойи мутахассислардан бири. Унинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти бир ҳақиқатни яна бир бор исботлайди: инсон касбини чин дилдан севса, меҳнатни виждон билан қилса, у барпо этган иншоотлар ҳам, орттирган обрўси ҳам мустахкам бўлади.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 5-8 июнь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Лойиҳа фаолияти ва сейсмик хавфсизлик талабларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Азиз Ботиров**, Шаҳарсозликда имконияти чекланган шахслар манфаатлари таъминлини мувофиқлаштириш, энергия самарадорлиги ва экологик дипломатия бўлими бошлиги **Мақсуд Султонов**, Лойиҳа фаолияти ва сейсмик хавфсизлик талабларини мувофиқлаштириш бошқармаси лойиҳа офиси бош мутахассиси **Азизбек Убайдуллаев**, Ички аудит бўлими бош мутахассиси **Зарифжон Аҳмедов**, Call-марказ оператори **Фаррух Абдумавлонов**,

“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Худудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 1-тоифали мутахассиси **Рихситилла Эшматов**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-ўстахона лойиҳа бош архитектори **Шаҳзод Носиров**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-ўстахонаси архитектори **Фаррух Ҳайдаров**, мутахассиси **Ҳилола Мўмин-Ахунова**,

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари – бош архитектор **Азамат Уразымбетов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бауыржан Пахратдинов**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси худуд тозаловчиси **Отбек Вадалбаев**,

Қашқадарё вилояти Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги **Жамшид Ражабов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Худойберди Нуримов**, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объекти устидан назорат шўъбаси бошлиги **Безод Ҳузоров**, бош мутахассис **Феруза Юсупова**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бахтиёр Қамбаров**, мутахассис **Алижон Қурбанов**,

“Иссиқликтаъминоти” АЖ Соҳага инновацион ва муқобил технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш бошқармаси бошлиги **Зухриддин Жалилов**, оператор **Дилшодбек Ҳайдаров**, Андижон вилояти филиали автомеханиги **Фарход Наматқулов**, Бухоро вилояти филиали аҳоли бўлими бошлиги **Ойбек Мамедов**, Навоий вилояти филиали муҳандиси **Альберт Бердиев**, Зарафшон филиали назоратчиси **Дилфуза Адизова**, сувни кимёвий тозалаш аппаратчиси **Замира Даминова**, Тошкент вилояти филиали умумий бўлим бошлиги **Низомиддин Пўлатов**, Автомобиль хўжалиги бўлими мотористи **Ҳакимжон Собиров**, Зангиота тумани филиали 1-сонли қозонхона оператори **Абдуган Тажиббаев**, “Ватанпарвар” қозонхонаси қоровули **Аҳматбой Маннапов**,


Бухоро шаҳридаги “Бухоро ташаббус сервис” БСК МЧЖ бош директори **Жасур Нуруллаев**, “Голд Рохат Гули Раъно” БСК МЧЖ бош директори **Рохат Ҳамидова**, Жиззах шаҳридаги “Олмазор кафолат хизмати” БСК МЧЖ бош директори **Офтобой Нишонов**, Чирчиқ шаҳридаги “Мумтоз сервис Чирчиқ шаҳар” БСК МЧЖ бош директори **Абдужалил Абдуллаев**, Урганч туманидаги “Бошқарув сервис қурилиш” БСК МЧЖ бош директори **Руслан Рўзметов**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустахкам соғлиқ тилаймиз!

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун обуна давом этмоқда!

- uzbunyodkor.uz
- info@uzbunyodkor.uz
- uzbunyodkor
- t.me/uzbunyodkor
- uzbunyodkor
- qurilish.today



Тахрир хайъати:
Шерзод Ҳидоятлов (Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов, Тоир Алиматов,
Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов, Юлдаш Мағрулов,
Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жамалов
Бош муҳаррир ўринбосари –
Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори”
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги,
“ЎЗАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвент” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси:
90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.

Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.

Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.

Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Йўртма – Г- 641. 1414 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 2300.